

2022 йил 30-март

## «ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖДА ЯПОНИЯНИНГ «MARUBENI» КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ







Бугун «Ўзкимёсаноат» АЖда Япониянинг йирик савдо компанияларидан бири ҳисобланган «Marubeni» компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси янги раҳбари Кенсукэ Нишияма таништирилди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда Япония ва Шарқий Осиё мамлакатларида минерал ўғитлар ҳамда кимёвий маҳсулотларга бўлган талаб юқори эканлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистондан ушбу маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини ўрганиб чиқиш бўйича келишиб олинди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, «Marubeni» Япониянинг энг йирик савдо компанияларидан бири ҳисобланади. Компаниянинг маҳсулот асортименти жуда кенг бўлиб, улар таркибига кимё саноати маҳсулотлари ҳам киради. Унинг Японияда 30 та филиали ва 79 та давлатда 158 та ваколатхоналари мавжуд.

**«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати**

**source:**

*"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти*

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/marubeni>